



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан:

биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламайпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган "солиқ тўловчининг шахсий кабинети"дан фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаёпти;

учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳоли ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муқддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогноزلантириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

тўртинчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизmlарининг мукамал эмаслиги, шу жумладан

солиқ текшируви объектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвақт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтирмоқда;

бешинчидан, солиқ солишнинг судгача ҳал этиш – солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, солиқ солиш тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаёпти;

еттинчидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташқи назорат механизmlарининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаёпти;

саккизинчидан, солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш бўйича ўз конституцийий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тўққизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатилмаганлиги маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун мавжуд резервларни тўлиқ сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кафолатли қайтишини таъминламаёпти;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек, солиқ органларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизmlарини такомиллаштириш талаб этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислох этишнинг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муқддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизmlарини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртинчидан, макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрамига "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" бош ғоя остида қизгин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда мамлакатимиз автомобилсозлик саноати ривожига бир назар ташладик...



МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҚУДРАТЛИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистонда биринчи автомобиль ишлаб чиқарилганига 21 йил тўлди

Бундан чорак аср муқаддам тез орада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий автомобиллар йўлларимизни тўлдириб юради, деса, биров ишонмасди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қисқа фурсатда қурилган автомобиль заводи мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ўзбекистон дунёда ўз автомобиль саноатига эга саноқли мамлакатлардан бири бўлиш билан бирга, бу тармоқни муттасил ривожлантириб бормоқда.

Аска автомобиль заводида дастлаб "Damas", "Nexia" ва "Tico" русумли автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2008 йилда мазкур завод негизда "GM Uzbekistan" қўша корхонаси ташкил этилди. Бу мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг янги даврини бошлаб берди. Бугунги кунда Chevrolet бренди остида ишлаб чиқарилаётган "Spark", "Lacetti", "Cobalt", "Orlando", "Captiva", "Labo", "Malibu" каби халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий автомобиллар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидордир.

Ўтган йилдан эътиборан Т-250 лойиҳаси доирасида "Euro-5" талабларига мос

"Ravon" бренди остидаги дастлабки "Nexia-R3" автомобиллари харидорларга етказиб берили бошланди. Италия технологияси асосида метан газига мослаштирилган "Lacetti" ишлаб чиқариш бўйича дастлабки қадам қўйилди.

– Корхонамизнинг бош шиори – харидорлар талаб ва истагидан келиб чиққан ҳолда, хавфсиз ва қулай замонавий русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариш, – дейди "GM Uzbekistan" АЖ бош директори вазифасини бажарувчи Рустам Ражабов. – Шу мақсадда янги русумдаги моделларни жорий этиш устидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамига халқимизга янги русумдаги автомобилларни тақдим этишни режалаштирганмиз.

Заводда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, экспорт географиясини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўнлаб халқаро стандартлар билан тақдирланган "GM Uzbekistan" АЖ автомобиллари дастлаб Россия, Қозоғистон, Беларусь, Украина, Грузия, Туркменистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Арманистон ва Молдова каби 10 дан зиёд мамлакатга экспорт қилинган бўлса, ҳозир улар сафига Гана, Кот-д'Ивуар,

Иордания, Ливан, Габон, Ливия, Кабо-Верде, Ироқ, Сенегал, Нигерия, Мадагаскар, Афғонистон, Тожикистон каби давлатлар ҳам қўшилган. Экспорт географиясини янада кенгайтириш бора-бора ишлар олиб боришмоқда.

Йилига 300 мингга яқин автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга "GM Uzbekistan" АЖда бугунги кунда 10 мингдан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 70 фоизи ёшлардир.

– Ёш мутахассислар малакасини ошириш доимий эътиборда, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "GM Uzbekistan" АЖдаги бошланғич ташкилоти етакчиси Дониёрбек Расулов. – Ўтган даврда 400 дан ортиқ ёш мутахассислар хориждаги йирик автомобилсозлик заводларида малака ошириб қайтди. Ёш ходимларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни ўй билан таъминлаш, тизим йўналишидаги олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларга имтиёзли кредитлар ажратиш каби ишлар ҳам доимий эътиборда.

Миллий автомобилларимизнинг ички бозорда сотувини йўлга қўйишда ҳам харидорларга бир қатор қулайликлар яратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 26 майдаги "Женерал Моторс Ўзбекистон" АЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нархлар шаклланишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида шу йилнинг 1 июнидан бошлаб "GM Uzbekistan" АЖнинг барча автомобиль моделларини ички бозорда миллий валюта – сўмга сотиш йўлга қўйилди.

Қарорда таъкид бозор ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар турини янада диверсификация қилиш, экспорт ҳажминини кўпайтириш, янги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чўқурлаштириш, тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш ҳисобидан импортнинг улущини камайтириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтириш кўзда тутилган.

Ички бозорда автомобилларни сотиш бўйича электрон база шакллантирилган. У 2 босқичда амалга оширилади. Дастлабки босқичда харидорлардан электрон аризаларни қабул қилиш ва электрон навбат йўлга қўйилган бўлиб, иккинчи босқичда ягона портал орқали шартномалар расмийлаштирилади.

– Дастлаб 2010 йилда янги "Nexia" сотиб олгандим, 6 йил ҳайдадим, ишонсангиз бир жойи тик этмади, зўр машина, – дейди тадбиркор Ҳаққул Ражабов. – Яқинда "Cobalt" олдим. Электрон рўйхатга ёзилгандим, кўп ўтмай ўзлари телефон қилишди, керакли ҳужжатларни расмийлаштириб олиб келдим.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси аср Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қаршида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида 40 га яқин истеъдод эгаси Ватан ва мустақиллик мавзуларидаги янги қўшиқлари билан иштирок этди. Уларнинг чиқишини баҳолашда матн ва оҳанг уйғунлиги, ижро маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди.

• Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри маҳаллаларида "Маҳалла китобсеварлари" ҳафталиги ўтказилмоқда. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлиmlари, вилоят ахборот-кутубхона маркази, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунара таълими бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, педагоглар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётди.

• Наманганда "Полимерли композитлар физикаси ва кимёси ҳамда конструкция материаллари технологиясининг долзарб муаммолари" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда "Композитлар технологияси, синтези ва модификациясининг долзарб масалалари", "Функционал полимерли нанокомпозитларни ривожлантириш истиқболлари", "Табийий ва синтетик полимерларни олиш ва қайта ишлаш истиқболлари", "Полимер ва композит материалларни ўқитишнинг замонавий услублари", "Табийий шифобандиш композитлар кимёси, технологияси, қўлланилиши" каби йўналишларда илмий маърузалар тингланди.

• Гулистонда "Одам савдосига қарши курашиш ҳамда аёллар ўртасида ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш" мавзусида конференция бўлиб ўтди. "Ўзбекистон – инсон кадри улугланган юрт" лойиҳаси доирасида "Адолат" социал-демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, партия фаоллари, ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Антарктида ғарбидаги музликларнинг улкан қисми ажралиб кетди. Натijaда тарихдаги энг катта айсберглардан бири пайдо бўлди. Унинг майдони қарийб 6 минг квадрат километрге тенг, бу эса Уэльс мамлакати ҳудуди билан баробардир. Олимлар улкан музлик ажралишини анчадан бери кутаётганди. Илк бора ёриқ 2011 йилда аниқланган, 2014 йилдан эса у тезлик билан катталаша бошлади.

• Ливия маъмурлари мамлакат миллий армияси томонидан Бенгази шаҳри террорчилардан бутунлай озод этилганлигини маълум қилишди.

• Греция Европа Иттифоқидан 8,5 миллиард евро миқдорида молиявий қўмак олади. Бу мазкур мамлакатга ажратилаётган учинчи иқтисодий ёрдам ҳисобланади. Бундай ёрдамлар исзиз кетмаёпти. Жорий йилга келиб, Греция иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Масалан, "Moody's" халқаро агентлиги сўнги икки йилда биринчи марта Греция рейтингини ижобий баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИСОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ,
СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ
ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

бешинчидан, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама қўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳолини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустақамлаш, солиқ қарзи оқшишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

олтинчидан, солиқ солиш масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча заҳираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдирish бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек, ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташининг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 январдан:

солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама қўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашишунини назарда тутуви солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторингинг жорий этилади;

йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга ошириладик;

вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – ҳўжалик юритувчи субъектларга қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин;

ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган таффовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилганда тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибидида ундириш жорий этилади; орқича тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш солиқ тўловчи ваколатли органларга мурожаат этган санадан бошлаб 15 иш кўни ичида амалга оширилади;

давлат солиқ хизмати органларига кириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларини 5 банк кўнигача бўлган муддатта вақтинчалик тўхтатиб туриш ваколати берилди;

Тошкент, Нўхус шаҳарларида ва вилоят марказларида солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимидида берилишини таъминлашдан назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади, республиканинг қолган ҳудудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилади; солиқ текшируви объектларини самарали танилаб олиш учун солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек, солиқ органлари томонидан юқори даражадаги махсусотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳақининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган автоматлаштирилган тизим жорий этилади;

давлат солиқ хизмати органлари ҳўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, натижаси бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаштирилади;

3. Давлат солиқ хизмати органларининг штатлар сонини қисқартириш ҳисобидан қелганган штат сони 41 нафардан иборат бўлган **Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси тузилмасида** **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилсин**, унга қуйдаги асосий вазифалар юклансин:

солиқ солиш тизими, солиқ ва боғжона маъмуриятчилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида бюджет даромадларини қўпайтириш заҳираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш;

солиқлар турлари ва ҳудудлар кесимида солиқ ва боғжона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилиш, унинг тармоқ ва ҳудудлар кесимида пасайишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг оқибатларини аниқлаш, ҳудудларнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва солиқ тўлаш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда Давлат бюджети даромадлари

прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослигини баҳолаш;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш устидан қатъий назорат ўрнатиш, манзилли йўналишлар ва назорат дастурларини, шу жумладан солиқ ва бошқа молия органларининг ахборот тизимлари маълумотларини таҳлил ва мониторинг қилиш асосида шакллантириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаларининг ишончилигини баҳолаш;

даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш ва бажариш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йиғилувчанлиги ва солиқ тўловчилар ҳисобининг тўлиқлигини таъминлашда молия ва солиқ органларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш чораларини қўриш.

4. Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда кўрсатилган вазирлик ва идоралар раҳбарлари унда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилан кўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида: Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўйича махсус бошқарма негизда Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси;

Ахборот-таҳлил бош бошқармасининг Техник бошқармаси негизда Ахборот-коммуникация технологиялари бош бошқармаси ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида:

Ахборот-таҳлил бош бошқармаси Таҳлил ва прогнозлаштириш бош бошқармасига;

Солиқ солиш методологияси бошқармаси Методология ва солиқ органларини модернизация қилиш бошқармасига;

Ахборот хизмати Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлимига;

Юридик бўлим Юридик бошқармага айлантирилсин ва унинг таркибидида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларида тегишли бўлимларни (шўъбалари) бўлган солиқ низоларини судгача ҳал этиш бўлими ташкил этилсин.

7. Солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари – Ахборот-коммуникация технологиялари бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий этилсин.

8. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 5-7-бандларида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг янги тузилмаларини ташкил этиш ва амалдаги таркибий тузилмаларини ўзгартириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари янги лавозимини, жорий этиш давлат солиқ хизмати органлари асосий ходимларининг белгиланган штатлар сони доирасида амалга оширилади.

9. Солиқ қўнунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини янада тақомиллаштириш бўйича Ишчи комиссия 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи комиссия (Ж.Қўқоров) Вазирлар Маҳкамасига қуйдагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Дастурда белгиланган муддатларда киритсин:

солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ҳамда методологиясини тубдан тақомиллаштириши;

ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг солиқ юқини янада қамайтириши;

ҳўжалик юритувчи субъектларни "йирик солиқ тўловчилар" тоифасига киритиш мезонларини белгиллаши;

бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириши;

солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий микдори) жорий этишини ва ушбу микдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгиллаши;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ
ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими – иқтисодийнинг жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида солиқ солиш базасини кенгайтириш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юқини қамайтириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларида текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асосий аралашиларга барҳам бериш бўйича зарур чоралар қўрилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатдан ташқари ва мувофиқ текшириш тартиблари бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакли ва тақдим этиш муддатлари соддалаштирилди.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги сабабли Фармон билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоқ қилишнинг қўйидаги муҳим йўналишларни белгиллашди.

Солиқ маъмуриятчилиги жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор автоматлаштирилган таҳлил усулларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулкотиш электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш; солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончи ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончи ахборотини ўз муддатидида тақдим этиш бўйича масъулиятини ошириш;

солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш;

макроекинотик солиқ ҳисобчилик динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ

қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтиришни таъминлаш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш;

фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама қўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳолини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустақамлаш, солиқ қарзи оқшишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

солиқ солиш масалалари, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимча заҳираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдирish бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек, ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташининг муносиб шарт-шароитларини яратиш.

Фармон билан солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама қўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашишунини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторингинг жорий этилмоқда.

Йлгор хорижий тақрибани ҳисобга олган ҳолда, йирик ҳўжалик юритувчи субъектларга ўз вақтида ва самарали хизмат кўрсатиш мақсадида улар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига юклатилмоқда.

Вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар – ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари бериш тартибидида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги шакли назарда тутилмоқда. Шунингдек солиқ тўловчи томонидан орқича тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш муддати икки бараварга қисқартирилмоқда.

Солиқ назоратининг тўғридан-тўғри мулкотиш шакллари самарадорлигини ошириш мақсадида камерал назорат натижалари бўйича аниқланган таффовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибидида ундириш жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида “соғлом рақобат”ни таъминлаш ва “хуфёна бизнес” юритишга барҳам бериш мақсадида:

давлат солиқ хизмати органларига кириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларини 5 банк кўнигача бўлган муддатта вақтинчалик тўхтатиб туриш ваколати берилмоқда;

солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимидида берилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, реал иш ўринларини легаллаштириш учун давлат солиқ хизмати органларига ҳўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга ошириш вазифалари юклатилмоқда.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилиб, унинг фаолияти бюджет даромадларини қўпайтириш заҳираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш, солиқ ва боғжона тўловларининг йиғилувчанлик даражасини тизимли таҳлил қилиш, Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичларининг ҳолислиги ва асослигини баҳолаш, солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш устидан назоратни амалга оширишга йўналтирилади.

Солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини мувофиқлаштириш ва солиқ тўловчиларга интерактив давлат хизматлари тақдим этиш амалиётини кенгайтириш учун масъул бўлган

бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда фаолиятини амалга оширишда, шунингдек, деҳқон бозорларида қишлоқ ҳўжалиги махсусотларини реализация қиладиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш;

алкоголни махсусотлар ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмларни чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғининг ҳудудлар бўйича табақалаштирилган ставкаларини;

ҳалол, шу жумладан иш ўринларини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондидида легаллаштирадиган солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чораларини жорий этиш;

Интернет тармоғида савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида солиқ назоратини амалга ошириш механизмларини жорий этиш;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини тақомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси фаолиятини янада тақомиллаштириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 январига қадар:

солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органларининг барча давлат хизматларида, шу жумладан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ назоратини тақомиллаштириш мақсадида солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурсларига тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунини танқидий қайта қўриб чиқсин;

барча манфаатдор вазирлик ва идоралар, шу жумладан “Ер-геодекадстр” давлат қўмитаси, статистика, адлия, прокуратура органлари, судлар, “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ корхоналарининг солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурсларига интеграция қилинишини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларини электрон рақамли имзо билан тўлиқ таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

11. Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда давлат органларининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаси ишончилигини аудитдан ўтказсин.

12. 2018 йил 1 январдан бошлаб давлат солиқ хизмати органлари ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорининг амал қилиш тартибидида.

13. 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастурни амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда тасдиқланмайдиган рўйхат бўйича олиб қилинадиган ускуна, дастурий ва моддий-техник воситалар божхона тўловларини (боғжона расмийлаштирувлари учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин;

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Хисоб палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари ва Хисоб палатаси фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини;

бир ой муддатда қўнун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари В.А.Ғолишев ва О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 июль

МУСТАҚИЛ
ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ
ҚУДРАТЛИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда автомобилсозлик ривожини йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳри, Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги заводларда ишлаб чиқарилаётган энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус транспорт воситалари турлари бүгун 100 дан ошиб кетди.

Бу, ўз навбатида, уларга бутловчи қисмлар етказиб беришни талаб қилади. Шу мақсадда ташкил этилган қўшма корхоналар автомобилларини ишлаб чиқариш қисмлар етказиб беришни йўлга қўйган.

Андижон вилоятида автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 30 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсусотлар ҳалқаро талаб ва меъёрларга жавоб бериши, юқори сифати билан хариддоргир бўлиб бормоқда.

“O’zEre Climate Control” Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасида автомобиллар учун совутиш радиаторлари, иситиш, вентиляциялаш ва ҳавони кондиционерлаш модуллари ишлаб чиқарилмоқда.

– Ўтган йили 21 миллиард 705 миллион сўмликдан ортиқ махсусот ишлаб чиқарилди, – дейди қўшма корхона бош директори Нодиржон Аҳмедов. – Махсусотларимизга талаб хорижда ҳам ортмоқда. Шу боис 2016 йилнинг июль ойидан ҳамкорлик қилишга асосан Россияда ишлаб чиқарилаётган “УАЗ Патриот” автомобиллари учун иситиш радиаторлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўтган қисқа даврда 15 минг 300 дана иситиш радиатори тайёрланиб, Россияга экспорт қилинди.

Мамлакатимиз автомобилсозлик санаятида янги давр бошланмоқда. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июндаги “Хорижий инвестициялар иштирокидаги “Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive” корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қароридида ўз аксини топди.

Айни қўнларда “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси “Пежо Ситроен” гуруҳи билан ҳамкорликда барпо этилган автомобил заводининг қурилиши қизгин паллада.

– Янги заводи йўловчи ва юк ташкишга мўлжалланган “Peugeot” ва “Citroen” энгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқарилади, – дейди “Пежо Ситроен” гуруҳи вице-президенти Кристоф Бержеран. – Қўшма корхонанинг устав капиталли 30 миллион евро. Лойиҳани амалга оширишга умумий қиймати қарийб 130 миллион евролик инвестиция жалб этилаётди. 2019 йилда корхона махсусот ишлаб чиқаришни бошлайдиган ва йилига 16 минг дана замонавий автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Махсусот ички бозордан ташқари яқин ва узоқ хориж давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Мухтасар айтганда, юртимизнинг кенг ва раван йўлларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган чиройи ва сифати ҳавас қилгулик автомобиллар ярашади.

Улуғбек АСРОРОВ,
Ўза мухбири

МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ —
РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Миллий матбуот марказида
“Агробанк” акциядорлик тижорат
банки томонидан кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорликни
ривожлантириш борасида амалга
о

Ҳақиқатан ҳам, бугун давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Айниқса, халқ билан ишлашнинг янги механизми сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг ҳар ойнинг 1-10 саналарида туман ва шаҳарларда бўлиб, халқ билан мулоқот ўтказиётгани, ҳудуддаги ҳақиқий аҳволни ўрганиётгани партия ташкилотлари фаолиятига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди, ишимизни жонлантирди. Пировардида партиямиз сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан айниқса маънавият масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз фан арбоблари, академиклар билан бўлиб ўтган илк учрашувдан тортиб, охириги қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифаларнинг барчасига мувофиқ "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бош мақсади миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Биз партия вакилларининг олдида турган энг муҳим вазифа авваламбор мазкур қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка чуқур етказиш ҳамда уларнинг жойлардаги ижросини жамоатчилик, депутатлик ва парламент назорати остида таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир.

Тан олиб айтиш керакки, бу борада ҳали мавжуд имкониятларимиздан оқилона фойдалана олмаётимиз, сайловчиларга ўз ўрнимизни, сўзимизни тўла еткази олмаётимиз. Аслида юртимизнинг ҳар бир ҳудудда партияимизнинг ўз нафаси сезилиб туришига эришишимиз керак. Бу эса ўша ҳудуддаги партия ташкилотининг саъй-ҳаракати, партиядан сайланган депутатнинг жонқуярлиги, ташаббускорлигига боғлиқ. Ана шундай бир вазиятда фаолиятимизни тубдан кучайтиришимиз, одамларга, халққа яқинлаштишимиз керак. Партияимизнинг дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга тўлақонли татбиқ этишда ташаббускор бўлишимиз лозим. Юртимизда ҳар бир соҳа ва йўналишда олиб борилаётган ислохотларни аҳолига тушунтириш, кенг тарғиб қилиш, уларнинг онгли муносабатини ўйотиш партия ташкилотларимизнинг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг "Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик" шиори остида жорий йилнинг 16 июнь кунини ўтказилган Форуми иштирокчиларининг Ўзбекистон қасаба уюшмалари аъзоларига муносабатини қабул қилинди, ушбу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан 10 июль кунини пойтахт қасаба уюшмалари фаоллари иштирокида мана шундай тадбир ташкиллаштирилди.

Барчамизга яхши маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бугун халқимизнинг саъй-ҳаракатини ягона олижаноб мақсад – изчил ва барқарор ривожланиш, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш йўлида бирлаштиришга даъват этди. Шу улғур мақсад йўлида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўз сафларида 700 минг нафардан зиёд аъзолари бирлашган пойтахт қасаба уюшмалари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва тармоқларида фидойилик кўрсат

ган меҳнат фахрийлари, юртимиз ифтихорига айланган илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳалар намояндалари – барчамиз "Ҳаракатлар стратегияси"ни қўллаб-қувватлаймиз ҳамда бу дастурий ҳужжатни амалга оширишдаги иштирокчимизни янада кучайтиришимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

"Ҳаракатлар стратегияси"ни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга доир Давлат дастурида белгиланган энг муҳим вазифалар талабларидан келиб чиқиб, қасаба уюшмаларининг диққат-эътиборини қўйидаги асосий вазифаларга қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи устувор йўналиш – Давлат ва жамият курилишини такомиллаштириш бўйича:

– демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда, айниқса ижтимоий соҳани ри

Учинчи устувор йўналиш – Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича:

– қасаба уюшмалари иштирокида тузилган Бош, ҳудудий ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларидан қорхона, ташкилот, муассасалар ва пировард натижада республика макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг таъсирчан ҳамда самарали механизми сифатида фойдаланишда уч томонлама ҳамкорлигини кучайтириш;

– иқтисодиётнинг реал секторига тариф келишувлари ва мосланувчан жамоа шартномаларини қабул қилиш амалиётини кенгайтиришга қаратилган комплекс-чора-тадбирларни амалга ошириш;

– таркибий ўзгартаришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларида иш берувчилар ва ходим

ИСЛОХОТЛАРДА ЕЛКАДОШ БЎЛАЙЛИК

вожлантиришда қасаба уюшмаларининг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш;

– давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, бу борада белгиланган қонун ҳужжатлари лойиҳаларига қасаба уюшмаларининг асосланган тақлифларини киритиш;

– тармоқ, ҳудудий ва бошланғич қасаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг салоҳияти ва нуфузини кўтариш, уларни давлат органлари ва иш берувчиларнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамкорига айлантириш;

– жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, хусусан, қасаба уюшмалари томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ягона механизмини шакллантиришимиз зарур.

Иккинчи устувор йўналиш – Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш бўйича:

– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркиндикларини ишончли ҳимоя қилиш қафолларини таъминлаш, бу борада қонунчиликда белгиланган қасаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва ваколатларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш;

– жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда тегишли мутасадди идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг янги, самарали шакллари жорий қилиш;

– қасаба уюшмаларининг юридик хизмати фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, қасаба уюшмалари аъзоларига бериладиган бепул ҳуқуқий ёрдам кўламини кенгайтириш;

лар манфаатлари уйғунлигини таъминлашга фаол кўмаклашиш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлаш;

– кичик бизнес субъектлари ходимларини қасаба уюшмаларига фаол жалб қилиш, меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш масалаларида кичик бизнес субъектларига қасаба уюшмалари томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар кўламини кенгайтириш;

– қорхоналарда меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси ва иш ҳақининг халқаро меҳнат стандартларига мувофиқлиги бўйича мониторинг ишларини кучайтиришимиз талаб этилади.

Тўртинчи устувор йўналиш – Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича:

– аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини изчил оширишда қасаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш;

– жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кекса авлод вакиллари маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тегишли чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш;

– уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламлари вакилларининг санаторий муассасаларида бепул давоиланиш ташкил қилиш;

– хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;

– жойлардаги болалар оромгоҳлари ва санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда болаларни, аёлларни, умуман, оилаларни соғломлаштириш ва дам олдирish самарадорлигига эришиш;

– ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, хусусан, олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тўлов-шартнома асосида тахсил олаётган чин етим, Меҳрибонлик уйида тарбияланган ва ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, кам таъминланган оилалардаги иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида "Таълим гранти", "Қасаба уюшмалари стипендияси" лойиҳалари асосида стипендиялар тўлаш;

– нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини оширишга, қашақдалик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

Бешинчи устувор йўналиш – Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, вазмин, ўзаро фойдали ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш бўйича:

– хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни тарғиб қилиш борасида қасаба уюшмалари иштирокини таъминлаш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш;

– халқаро ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириш, хусусан, Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенцияларини ратификация қилиш, ратификация қилинган конвенцияларда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилганини тўғрисида тегишли тартибда ҳисобот тақдим этиши жараёнларида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш.

Семинар иштирокчилари барча қасаба уюшмалари аъзоларини муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган "Ҳаракатлар стратегияси"ни амалга оширишда ўз билим ва салоҳияти, ғайрат ва шижоати, ғоя ва тақлифлари билан фаол иштирок этишга, йўлбошимиз атрофида жипслашишга даъват этдилар.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўзини бевосита дахлдор деб билган ҳар бир қасаба уюшмаси аъзоси мамлакат тараққиёти учун ғоят муҳим бўлган бу жараёнда барча саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ҳамжиҳатлик билан иш юритиши лозим.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида илгари сурилган вазифалар – маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, миллий-маънавий тикланиш жараёнида фаол иштирок этиш ва унинг натижасида авваламбор партия электоратини, қолаверса, аҳолини рози қилиш, манфаатларини ҳимоя қилиш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Сайфулло АХМЕДОВ, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати



ҲУҚУҚИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси доирасида "Ворислик ҳуқуқи" амалий қўлланмаси ва "Ўзбекистонда мерос ҳуқуқи" брошюраси нашр этилди.

Мазкур китоблар тақдимида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Х.Е.Джоргов ва бошқалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар аҳамияти, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда мазкур қўлланмаларнинг ўрни ҳақида сўз юритди.

Маълумотларга кўра, мерос мулк билан боғлиқ низолар келиб чиқишига кўп ҳолларда фуқароларнинг амалдаги қонун талабларини яхши билмаслиги, ворислар бир-бирининг қонуний ҳуқуқларини тан олмаслиги сабаб бўлмоқда.

"Ворислик ҳуқуқи" қўлланмаси фуқароларнинг ўз мулк ҳуқуқларини амалга оширишда, фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг ворислик ҳуқуқига доир қонун нормаларини тўғри қўллашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу қўлланмада қонун ва васиятнома бўйича ворислик, васиятнома ва унинг турлари, меросни қабул қилиш билан боғлиқ тартиб ва мажбуриятларга доир маълумотлар берилган. Китоб содда ва раво тилда ёзилган. Унда қулай схемалар, саволлар ва жавоблар, суд амалиётини олиган муаммоларни назорат қилиш ва уларнинг ўзига хос ечими қамраб олинган.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ҲАМЖИҲАТЛИК, ОДАМИЙЛИК ҚЎРҒОНИ

...Тўй авжиди. Келин-куёвни "Ёр-ёр" айтиб қаршилаётганлар сафиди ўзимизнинг қорақўзларимиз билан бирга рус, корейс, украин, арман, татар каби турли миллат вакиллари борлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди. Сабаби уларнинг барчаси ўз тақдирини, келажagini, фарзандлари истиқболини шу маҳалла, мана шу табаррук замин билан уйғун кўради.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Янги давр" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган бу каби тўйларга юртимизнинг исталган ҳудудда гувоҳ бўлиш мумкин.

Маҳаллалар фаолиятига эътибор, уларни том маънода халқнинг ишончи ва таянчига, маънавият ва тарбия қўрғонига айлантириш борасидаги эзгу ташаббуслар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига янги раҳл бағишламоқда.

Бу жиҳатлар "Янги давр" маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топомқода.

– Хондонлар ҳолидан хабар олиш, оилалардаги маънавий муҳитни, турли долзарб масалаларни ўрганиш одамлар ишончини қозонишини, улар кайфияти, руҳиятига ижобий таъсир ўтказишини асосий омилдир, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Худоев. – Фаоллар, жамоатчилик комиссиялари аъзолари иштирокида хонадонларга кириб, одамлардан ҳол-аҳвол сўрамоқдими. Долзарб муаммолар маҳаллий ҳокимлик, тиббиёт, ижтимоий соҳа, бандлик, солиқ, банк, коммунал соҳа мутасаддилари билан биргаликда ўз вақтида ҳал этилмоқда.

Маҳаллада кекса, ёлғиз, боқувчисини йўқотган беморлар аниқланиб, шифохонада имтиёзли равишда даволатирилди. Ишга кириш истагидаги ёшларнинг меҳнат бандлиги таъминланмоқда. Бюрига қаноат, тинчига шукр қилмай, "бахту омади"ни хориждан ахтарган айрим фуқароларга "ҳар ернинг ўз тошу тарозиси борлиги" таъсирчан, самимий суҳбатларда атрофича тушунирилмоқда.

Фаолларнинг коммунал хизмат соҳаси мутасаддилари билан ўтказган амалий суҳбати натижасида электр, газ, сув таъминотидаги айрим камчиликлар бартараф этилди. Айни пайтда даромади мўмайгина бўлиб, коммунал тўлов тўлашдан ўзини четта олиб қочувчилар инсофга чақирилди. Аҳолининг коммунал хизмат бўйича тўлов интизоми яхшиланди. Эҳтиёжманд оилаларга, кексаларга моддий, маънавий, ҳуқуқий кўмак кўрсатилмоқда. Ёлғиз қарияларнинг уйи таъмирдан қайрилди. Маҳалладаги ишларнинг авж олиши серхизмат одамларни ҳам ҳаракатга келтириб қўйди. Уларнинг кўмаги билан маҳалла гузари, "Оталар чой-хонаси" қайтадан таъмирланди. Ижтимоий кўмакка муҳтожларга кўрсатилаётган ёрдам кўламини кенгайтирди.

"Янги давр" маҳалласи ҳудудидаги ўттизга яқин қорхона ва ташкилот, оилавий поликлиника мутасаддиларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари олдига ҳисобот бериши йўлга қўйилди. Бу ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлиқнинг янада кенгайиши, мавжуд масалаларга биргаликда ечим топишда асосий омил бўлмоқда. Болалар учун спорт, шахмат-шашка тўғралаклар ташкил этилди. 27-оилавий поликлиника шифокор ва ҳамшираларнинг масъулияти янада кучайтирилди.

Н.УСМОНОВА

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти, Юқорги Чирчиқ ТСРЎИ томонидан "DEN TEXTILE" ОҚ МСНҲ га (ИНН 207136817), 9.12.2011 йилда берилган № 210 реестр рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежи томонидан 2008 йилда Джараев Сардор Фахритдинович номига берилган К № 1075866 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Миробод туман кичик Бешёғоч кўчаси, 129-уйда яшовчи Уразметова София Уруновна номига берилган кадастр ҳужжатлари ва олдиди-содди шартномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"МАНАДЕВ МАРМО ТАШКЕНТ" МЧЖ қўшма қорхона ИНН 304133281, устав фондининг 700 000 АҚШ долларидан 376 770 АҚШ долларига қайтарилганлиги маълум қилади.

Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.
Тел: +99890 956-37-31

Г.САТТОВА

Ахборот-коммуникация технологиялари

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ АХБОРОТЛАШТИРИЛМОҚДА

Айни пайтда бутун дунёда миграция жараёнлари ва қидирув фаолиятини назорат қилишда электрон ахборот тизимлари ва маълумотлар базасидан кенг фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ҳам шундай тизимлар фаол жорий этилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 11 июлдаги миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига мувофиқ янги электрон тизим ишлаб чиқилмоқда.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси тизимида электрон ахборот тизимлари бошқармаси ташкил этилади.

Давлат хизматлари, жумладан, био-метрик ҳужжатлар бериш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни қўриб чиқиш ва расмийлаштириш, доимий ва вақтинча пропискага қўйиш, яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш, шунингдек, Ўзбекистонга кириш ва чиқиш, фуқароликка қабул қилиш, фуқароликдан чиқиш ва фуқароликни йўқотиш соҳасида интеграциялаштирилган маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш бошқарманинг асосий вазифаларидандир.

Миграция жараёнлари ва фуқаро-

ликни расмийлаштириш масаласида идоралараро электрон ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни аниқлаш ва фош қилиш, қидирув ишларини олиб боришда кўмаклашиш ҳам бошқарма фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бошқарма ходимлари зиммасига ахборот тизимлари узлуксиз ишлаши учун уларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича туман ҳамда шаҳар бўлимлари фуқароларни паспорт тизими масаласи бўйича қабул қилишни электрон тартибга солиш учун зарур ускуна ва дастурий таъминот билан босқичма-босқич жиҳозланади.

Зеро, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида ички ишлар органлари фарлиятини тубдан такомиллаштиришнинг муҳим йўналишидир.

Р.БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактаби қошидаги “Беғубор ёшлик” кундузги спорт-соғломлаштириш оромгоҳида иккинчи мавсум янада қизғин паллага кирган.



Ишон Нисонлов олган суратлар

Ёз — ўтмоқда соз

ТАЪТИЛ СУРУРИ

Оромгоҳ раҳбари С.Мирзобоевнинг таъкидлашича, жорий йил ёзи соғломлаштириш даврининг биринчи ва иккинчи мавсумида 80 нафардан, 3-, 4-мавсумларда эса 70 нафардан ўқувчи қамраб олиш назарда тутилган. Мазкур масканда “Ёш китобхон”, “Ёш мусаввир”, “Компьютер саводхонлиги”, “Инглиз тилида сўзлашамиз!”, “Ифодали ўқиш”, “Ёш актёр” каби ижодий, “Волейбол”, “Баскетбол”, “Стол тенниси”,

“Шахмат”, “Шашка” сингари спорт йўналишидаги тўғарақлар ўқувчиларнинг ёзи таътилда кўнгилли дам олишига қаратилган. Бу борада болажонларга йигирмага яқин тарбиячи ва етакчилар, тўғарақ раҳбарлари бош-қош бўлмоқда.

Чилонзор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман маънавият тарғибот маркази, пойтахтимиздаги

12-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказининг “Наврўз” вокал-чолгу ансамбли, тумандаги “Катта Олмасор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилаётган қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, турли беллашувлар замирида ўқувчилар ўртасида ватанпарварлик туйғуси, соғлом турмуш тарзи ва китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш, уларни “оммавий маданият”нинг турли таъсирларидан ҳимоя қилиш мақсади қўзланган. Зеро, педагогларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам мудида шу. Бунинг ифодасини “Беғубор ёшлик” кундузги оромгоҳида мириқиб дам олаётган, чинакам таътил завқини туюётган ўқувчиларнинг ҳар бир тадбирдаги фаол иштироки, янги билим қўққиларини эгаллашдаги жўшқин иштиёқида яққол кузатиш мумкин.

Абдужаббор ҒАЙРАТОВ

КОМИЛЛИККА ИНТИЛАЁТГАН АВЛОД

Юртимиз азалдан ўзининг бой тарихи, жаҳон илм-фанига муносиб ҳисса қўшган ақломалари билан дунёда ном қозонганлиги барчага маълум. Истиқлол фарзандлари буюк аждодларимизнинг бой меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, интилишлари билан яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда барча соҳаларда юксак марраларни забт этмоқда.

Бугунги кунда юртимизда барча соҳа сингари ёшлар масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Юртимиз ёшлари ҳаётида 2017 йил 30 июнь — Президентимиз Шавкат Мирзиёев гося билан бу борада мамлакатимизда ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган, барча тоифа ва гуруҳларини қамраб оладиган, уларни демократик принциплар асосида бирлаштирадиган мутлақо янги ташкилот Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилгани унутилмас воқеа бўлди.

Кўни кеча Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Учтепа тумани Кенгаши раиси О. Раҳмонбердиев ёшларга Ёшлар иттифоқи ҳақида атрофлича маълумот берди. Янги тузилган иттифоққа берилган ваколатлари доираси кенглиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Ёшларга берилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан муносиб ҳаракат қилиш муҳимлигини айтди. Жумладан, ёшлар ҳозирда “оммавий маданият”га қарши миллий маданиятимизнинг энг сара намуналарини тарғиб қилган ҳолда ёшларни ёт гоҳлардан ҳимоя қилмоғимиз ва китоб ҳаётимизнинг асосий мазмунини эканлигини тарғиб қилишимиз, бир сўз билан айтганда шу юрт равнақи йўлида изланишимиз лозимлигини таъкидлади. Ёшлар иттифоқи коммуналка интилан баркамол авлоднинг олтин даври бошланиши учун асос бўла олади, деб таъкидлаш асло муболаға бўлмайд.

Элёр ҒОЙИБОВ,
Учтепа тумани Ёшлар ижтимоий
хизматлар маркази ходими

Қилмиш — қидирмиш

ОҚ АРОҚНИНГ ҚОРА ИШИ

Инсон зоти борки, бу ҳаётда каттами, кичикми хатоларга йўл қўяди, адашади, баъзида билиб, баъзида эса билмасдан ножўя хатти-ҳаракатлар қилади, номақбул қарорлар қабул қилади. Кўпчилигимиз бундан тўғри хулоса чиқариб, кейинчалик бу каби хато ва камчиликларга йўл қўймайлик ҳаракат қиламиз. Аммо айрим кимсалар борки, ўзининг ножўя қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, вақтида ақлу ҳушини йиғиб олмайди.

Аброр Аҳмедов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб, фаровон ҳаёт йўлини танламаган кимсалардан бири ҳисобланади. 1963 йилда туғилган бу шахс, ҳозир набиралар даврасида, меҳрибон бобо бўлиб, ўсиб келаётган авлодга панду насиҳатлар берадиган ёшга етган. Лекин, минг афсуски, у ҳамон тўғри йўлни танлаб, тинч ва осуда ҳаёт кечирининг уйдасидан чиқолмаётти. Ичкиликбозликка берилиб, жиноятга қўл урди.

А.Аҳмедов муқаддам Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбонлиб, судланган. Жаъони икки эътиш муассасасидан қаттиб келгандан сўнг ҳам бир ишнинг бошини тутмади. “Энди ҳалол меҳнат қилиб, тўғри яшайман, барча ёмон иллатлардан қутилишим керак”, деган ўйлар унинг хаёлига ҳам келмади. Аксинча, ўзига ўшаган бейи ва мақсадсиз шевриклар тоғиб ичкиликка берилди. Бу орада у 1953 йилда туғилган Мурод Хайруллин исмли шахс билан бирга унинг Чилонзор туманидаги уйда яшаб келди.

Бу икковлон жуда бир бирига мос шерик

бўлишди. Иккаласининг ҳам ичкиликка мойиллиги юқори бўлиб, уларнинг қўнлари факат маишатпарастлиги “қутдай-қутдай олишлар” билан ўтадиган бўлди.

Маълум бўлишича уларнинг яна бир хонадони Бактиёр Собиров бўлиб, унинг туғилган кўни муносабати билан М.Хайруллиннинг хонадонидан 3-4 киши бўлиб байрам қилишади. Меъёридан ортиқ спиртли ичимлик истеъмол қилиниши натижасида А.Аҳмедов ва М.Хайруллин ўртасида жанжал келиб чиқади. Бу жанжал бир амаллаб тўхтатилади.

2015 йилнинг 1-2 апрель кўнлари “кахрамонларимиз” тўхтовсиз спиртли ичимлик ичишни бошлади. 3 апрель кўни тушга яқин А.Аҳмедов ва шериги М.Хайруллинларнинг ўртасида пул масаласида жанжал чиқади. Ичкилик қандон ҳашишқоқ олиб келганини кўрган сиз? А.Аҳмедов маст бўлиб, “шерга” айланади. М.Хайруллиннинг ўта маст эканлигидан, ўзини ҳимоя қилиш имконияти йўқлигини била туриб, уни оқиз ахволдагидан фойдаланиб, бўйин соҳасига ўткир жисм билан кесиб жа-

роҳат етказди. Кўп қон кетиши натижасида М.Хайруллин олган жан жараҳати туфайли воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Мана сизга оқ ароқнинг қора қилмиши. А.Аҳмедов бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлди.

Айбланувчи А.Аҳмедов судда ўз айбиға асло иқроор бўлмади. Чунки, нима бўлганини эслол-матди. Аслида далиллар жиноятчининг айбини тасдиқлади.

Бу ҳаётда не-не қоидабузарликлар, жиноятлар спиртли ичимлик сабаб содир бўлганлигини эшитганмиз. Автоматшанада одам уриб кетиш, биронинг жонига қасд қилиш, номулға тегиш, босқинчилик каби жиноятлар илдизидан спиртли ичимлик истеъмол қилиш ётади. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик, чекиш, ичкиликбозлик, наشاءвандлик каби салбий иллатлардан доимо йироқ қорайлик, азизлар.

Кахрамон МИРСАГАТОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

Спорт янгиликлари

ГУРУХДАГИ СЎНГИ ТУР РЕЖАСИ

Жанубий Корея терма жамоаси футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш босқичидаги сўнги ўйинни ўтказиш учун Тошкент шаҳрига белгиланган кундан аввалроқ етиб келишни режа қилмоқда.

Аввалига, корейликлар пойтахтимизга учинчи сентябрь кўни ташриф буюришлари кўзда тутилган эди. Бироқ ушбу баҳсга янада яхшироқ тайёргарлик қўриш ҳамда юртимиз об-ҳавосига кўникиб олиш мақсадида рақибларимиз пойтахтимизга биринчи сентябрь кўни етиб келишад.

Кўшимча қилинишича, яқиндагана мураббий этиб тайинланган Шин Тэ Йонг 21 август кўни жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасидаги сўнги икки ўйин — Эрон ва Ўзбекистонга қарши учрашувлар учун якуний таркибини эълон қилади. Агар Жанубий Корея терма жамоаси ушбу баҳсларда ғалаба

қозонса, кетма-кет тўққизинчи бор мундиал йўлланмасини қўлга кири-тади.

Маълумки, корейликлар саккизта ўйиндан кейин 13 очко тўплаб, тўғридан-тўғри қўлга киритилиши мумкин бўлган ягона йўлланма учун курашда вакилларимиздан бир очко олдинда бормоқда.

ЎСМИРЛАР ЖАМОАСИ ДУРАНГ ЎЙНАДИ

Хитойнинг Вэйнань шаҳрида 15 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги “Hua Shan Cup” халқаро турнири ўз якунига етди.

Ўзбекистон ўсмирлар термаси сўнги турда Япония футболчиларига қарши баҳс олиб бориб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Учрашувнинг 39-дақиқасида Бобур Собиров ҳисобни очган бўлса, японияликлар ўйин якунла-нишига 50 сония қолганида бурчак зарбасидан амалга оширилган стандартни голга айлантирди.

Чехия ва Хитой ўртасидаги беллашувда 4:1 ҳисоби

қайд этилиб, Европа вакиллари фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, Дилшод Нуралиев жамоаси 3 та ўйинда жами 4 очко тўплаган ҳолда турнирда 3-ўринни эгаллади.

Япония ва Чехия ўсмирлар терма жамоаси мос ра-вишида 1-2 ўринларини эгаллади. Мезбон Хитой эса би-рорта ўйинда очко ола билмади ва мусобақани сўнги ўринда якунлади.

си Сабина Шарипова 4 поғона юқорилаб 145-ўриндан жой олди. Умуман бу сафарги рейтингда спортчиларимиздан фақатгина Оқгул Омонмуродова қўйига “шўнғиди”.

Ботир ХЎЖАЕВ

Мамлакатимиздаги мавжуд тартибга кўра, хориж валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича қатъий тартиб белгиланган. Шунга қарамай айрим фуқароларимиз билиб-билмай қинғир ишга қўл урмоқда. Натижада ўзларига ташвиш орттирди.

САВДОСИ “ПИШМАДИ”

Бунга валютага оид жиноятларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилган тадбирлар натижаси мисол бўла олади. Мурод Холиқов (исм-фамилия ўзгартирилган) Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида 2500 АҚШ долларини қонунга ҳилоф ра-вишида сотаётганида “қолқон”га тушди. Хориж ва-лютаси билан ноқонуний савдо-сотик қилган Му-род Холиқовга нисбатан иш қўзғатилди.

— Аттанг, бундай бўлиши билмабман, — дея афсусда у.

Айтиш керакки, ҳуқуқбузар мўмайгина даромад олиш мақсадида қонун талабларини бузган. Дол-лар олди-сотдисидан пул ишлаб оламан, дея хом хаёлда юрган бу шахснинг савдоси “пишмади”. Оқибати эса хунук бўлди.

У қонуний жазога тортилди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузардан ашвёйи далил сифатида олинган 2500 АҚШ доллари давлат даромадига ўтказилди.

Мавлон ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК департаменти
Учтепа туман бўлими
катта суриштирувчиси

Чоршанба — ёнғинлар профилактикаси кўни

ЁНҒИН-ТАКТИК ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси аҳоли гавжум жойлар, хусусий сектор ва тиббиёт муассасаларида ёнғинлар профилактикасига қаратилган тадбирлар ўтказмоқда. Турли учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва ёнғин-тактик ўқув машғулотлари шулар жумласидандир.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, таълим, тиббиёт муассасалари, маданий-қўнғилочар масканлар, саноат корхоналари, улғуржи ва чакана савдо объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинла-ри, коммунал хизматлар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирлар давомиди оловдан эҳтиётсиз фойдала-ниш, қуруқ япроқ ва чиқиндиларнинг ёниши, электр ускуналарининг носозлиги ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани қайд этилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги “Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлиналари фаолиятини тубдан такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори иж-роси доирасида Тошкент шаҳрида амалга оширилаёт-ган чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ҳар ҳафтанинг чоршанбасида ўтказилаётган ёнғинлар профилактикаси кўни доирасида пойтахти-мизда 22 маҳалла ва 11 ижтимоий муҳим объектда учрашу, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

“Уриқзор савдо комплекси” МЧК ҳудудида ўт ўчирув-чилар ёнғинни ўчириш тактикасини амалга ошириш қўнқималарини такомиллаштирди.

— Ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилиши ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин, — дейди Тош-кент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг профилактика ва ёнғин назорати бўлими инспектори Муслима Раҳимова. — Шунингдек, қуруқ ўт-ўланлар, чи-қиндиларнинг ўз вақтида йиғиштириб олинмаслиги ёки оловдан эҳтиётсиз фойдаланиш ёнғин чиқишига сабаб бўлиб, бу инсонлар ҳаёти ва саломатлигига хавф соли-ши мумкин. Ёз мавсумида ёнғинларнинг аксарияти қуруқ ўт-ўланлар ёниши билан боғлиқ бўлиб, баъзан аланга турад жой биноларига ҳам ўтмоқда. Шу йилнинг олти ойи давомидида пойтахтимизда 695 ёнғин содир бўлиб, бунинг оқибатида икки миллиард сўмга яқин зарар ет-казилди. Агар ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этил-ганида уларнинг олдини олиш мумкин эди.

Тадбирларда оловдан эҳтиёткорона фойдаланиш, бо-лаларнинг назоратсиз қолдирилиши оқибатида зарар етказилаётгани ҳақида маълумотлар келтирилди. Хусу-сан, ёз мавсумида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавф-сизлиги бошқармаси диспетчерлик хизматида қуруқ ўт-ўланлар ёниши тўғрисида ҳар ҳафта қирқтагача му-ро-жаат келиб тушади. Воқеа содир бўлган жойга яқин ҳудуддаги ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳар бир қақирув-га зудлик билан етиб боради.

Шунингдек, тадбирларда транспорт воситалари ёни-шининг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратил-ди: Шу йилнинг олти ойида Тошкент шаҳрида турли техник сабабларга кўра, 47 транспорт воситаси ёнган. Ёнғинларнинг аксарияти автомобил электр симлари-нинг носозлиги туфайли юзга келган.

Мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган савол-ларга атофлича жавоб қайтарди.

(ЎЗА)

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ КҮЙДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Қўйлик маиший хизмат касб-хунар коллежи	Сергели тумани, Янги Қўйлик кўчаси, 50-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизими-даги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-хунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажы талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимлари-даги шахсларга иш стажы талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бош-қармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3x4 ўлчамли 6 дана фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мав-жуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар то-монидан кўрсатилди.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мо-байнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сергели ту-мани, Янги Қўйлик кўчаси, 50-уй. Тел: 290-60-07.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 20-22, кундуз — 35-37 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 20 июлда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддалар-нинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосла-ниш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Ғ-735

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 13.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ